

Испанияда мисли кўрилмаган меъморчилик обидалари



13:33 / 03.01.2024 2301

Нью-Йорк университети доктор Томас Кирк:

«Минтақаларнинг кесишув нуқталарида илм ва маданият алмашуви айниқса яққол сезилган жойлар жуда кўп. Масалан, Сицилия ва Испания. Муслмонлар бу ерда насронийлар босими остида ўз мавқеини қўлдан бой бергач, истилочилар улар қолдирган илму маърифатни ўзлаштира бошлади».

Истилочилар Испанияда мисли кўрилмаган дизайнни – муҳташам ва нафис меъморчилик обидаларини кўрдилар. Европаликлар бундай санъат асарларини XI асрга келибгина ўзлари учун кашф эта бошладилар. Бу ердаги қасрлар Ислом ҳикмати ёдгорлиги бўлиб, уларни худди китобдек

ўқиш мумкин. Ҳар бир сирт устида ҳикматли сўзлар ва геометрик теоремаларнинг асарлари қолган.

1085 йилда дунё тарихида улкан бурилиш ясаган воқеа юз берди – насроний қирол Альфонсо VI Толедо (Исломий исми Тулайтила) шахрига ташриф буюрди.

Рикардо Изкердио Бенито

Толедо гуманитар факультети

«Бу дарвозани Пуэрто Вьеха Бисагра ёки Пуэрто де Альфонсо Сексто, яъни Альфонсо VI дарвозаси деб аташади. Ривоятларга кўра, Кастилья ва Леон қироли Альфонсо VI Толедо шахрига айнан мана шу дарвозадан кириб келган».

Бу ташриф мусулмон Испанияси таназзулининг ва насроний Европадаги интеллектуал ҳаёт тараққиётининг бошланиши бўлди. Альфонсо ишғол қилинган Толедо шахрида сон-саноксиз китобларни кўриб, ҳуши бошидан учди.

«Альфонсо VI шахарни босиб олган пайтда бу ерлик мусулмонларнинг шахсий кутубхоналари ҳам бор бўлиб, у ерга Андалусдан мунтазам равишда янги китоблар келиб турарди. Ушбу китобларнинг маълум қисмини қадимий китоблар, жумладан, қадимий юнон фалсафаси ташкил қилар эди».

Бу китоблар ҳақида саводли яҳудий ва насронийлар ҳамда араб ва испан тилларини биладиган мусулмонлар ғамхўрлик қиларди.

«Толедода икки муҳим шароит бор эди: китоблар ва уларни ўқий оладиган одамлар. Энг муҳими, улар бу китобларни ўқиб, таржима ҳам қилар олар эди».

Тез орада Толедо арабча китобларни лотин тилига таржима қилиш бўйича кенг кўламли лойиҳа амалга ошириладиган марказга айланди.

Европада таълим соҳасининг қолоқлигидан ҳафсаласи пир бўлган олимлар

мусулмонларнинг илм уммонидан баҳраманд бўлиш учун Толедога оқиб кела бошлади.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.